



Ўлимни чипор қўчқор шаклида олиб келинади

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганлари ривоят қилинган: "Ўлимни чипор қўчқор шаклида олиб келинади. Ҳайқирувчи: "Ҳой жаннат аҳли" деб ҳайқиради. Улар бўйларини чўзиб, (ҳайқириқ келган томонга) қарайдилар. Ҳайқирувчи: "Бунинг нима эканини биласизларми?", - деб сўраганида улар: "Ҳа, бу - ўлим", - деб жавоб берадилар. Сўнгра ҳайқирувчи: "Ҳой жаҳаннам аҳли!", - деб ҳайқиради. Улар бошларини кўтариб, (ҳайқириқ келган томонга) қарайдилар. Ҳайқирувчи: "Бунинг нима эканини биласизларми?", - деб сўраганида, улар: "Ҳа, бу - ўлим", - деб жавоб берадилар. Қўчқор (ўлим)ни бўғизланади. Ҳайқирувчи: "Эй жаннат аҳли, (сизлар учун жаннатда) мангулик бор, ўлим йўқ. Эй жаҳаннам аҳли, (сизлар учун жаҳаннамда) мангулик бор, ўлим йўқ", - деб нидо қилади. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уларни ҳасрат кунидан, иш битмиш пайтидан огоҳ қил. Улар ғафлатдадирлар». Ана у дунё аҳли ғафлаттадирлар «улар иймон келтирмаслар». (Марям: 39) оятини ўқидилар".

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам Қиёмат куни ўлимни чипор рангли қўчқор шаклида келтирилишини баён қилдилар. Ҳайқирувчи: "Эй жаннат аҳли!", - деб ҳайқиради. Улар бўйларини чўзиб, бошларини кўтариб, (товуш келган томонга) қарайдилар. (Ҳайқирувчи): "Сизлар бунинг танийсизларми?", - деб сўрайди. Улар ўлимни кўрганлари ва таниганлари учун: "Ҳа, бу - ўлим", - деб жавоб берадилар. Сўнгра, Ҳайқирувчи: "Эй, жаҳаннам аҳли!", - деб ҳайқиради. Улар бўйларини чўзиб, бошларини кўтариб, (товуш келган томонга) қарайдилар. Ҳайқирувчи: "Бунинг нима эканини биласизларми", - деб сўрайди. Уларнинг ҳар бири ўлимни кўргани боис: "Ҳа, у - ўлимдир!", - деб жавоб берадилар. Ўлим бўғизланади ва Ҳайқирувчи: "Эй жаннат аҳли, (сизлар учун жаннатда) мангулик бор, ўлим йўқ. Эй жаҳаннам аҳли, (сизлар учун жаҳаннамда) мангулик бор, ўлим йўқ", - деб нидо қилади. Бу, мўъминлар неъматининг кўпайиши, кофирлар азобининг орттирилиши учундир. Сўнгра Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу оятни ўқидилар: "Уларни пушаймонлик кунидан огоҳлантиринг! Чунки, ишга қарор қилинган бўлсада, улар (дунё аҳли) ҳануз ғафлатдадирлар. Ҳолбуки, улар иймон келтирмаслар" (Марям: 39). Қиёмат куни жаннатийлар билан дўзахийлар орасини ажратилади ва уларнинг ҳар бири кирган жойида абадий қолади. Гуноҳга қўл урган одам яхшилиқ қилмагани учун пушаймон бўлса, яхшилиқни кўп қилмаган одам яхшилиқни кўп қилмагани учун ҳасрат чекади.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

